
Риштон тумани ҳоқимлиги Ахборот хизматининг билдириши
Жорий йилнинг 10 июнь санасида “Менинг юртим” телеканалининг “Марказий Студия”
информацион дастурида “Риштон туманида кам таъминланган уй-жойлардан харид
қилган фуқаролар уй нархи асоссиз ошиб кетганидан норози эканлигини тилга олинган.

Риштон туман ҳоқимлиги Ахборот хизмати ходимлари бу масаласи юзасидан соҳа мутахассислари билан суҳбатлашишди.

Маълум бўлишича, кўрсатув орқали эфига чиқарилган турар-жой бинолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли Фармонида асосан, Фарғона вилоятида ҳам намунали ва арзон уйлар қурилиши давом этмоқда.

Бу борада Фарғона вилоят ҳоқимининг 2019 йил 11 декабрдаги 413-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, 2019-2020 йилларда дастурга асосан Фарғона вилоятининг олтита туманларида 690 та хонадондан иборат бўлган 27 та арзон (7 фоизли) уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Қарорга асосан ушбу уйларни “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Фарғона вилояти филиали томонидан ипотека кредити асосида уй жойга эhtiёжманд фуқароларга берилиши кўзда тутилган.

Риштон тумани Узун кўча массивида қурилаётган 3 та 24 хонадондан иборат 4 қаватли турар-жой бинолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6-7 май кунлари вилоятимизга қилган ташрифлари давомида берилган топшириқларига асосан қурилиши бошлаб юборилган эди.

Ушбу уйлар “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Фарғона вилояти филиали томонидан вилоят ҳоқимининг қўшимча қарори қабул қилиниб, шу қарорга асосан арзон уй-жой типига қурилиши мўлжалланган эди. Шунга кўра, туманда яшовчи уй-жойга эhtiёжманд фуқаролардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги “Ариза берувчи - уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низом” иловага асосан тасдиқлаш ҳақида”ги 103-сонли қарорига асосан хужжатлар қабул қилинган.

“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Фарғона вилояти филиали томонидан фуқаролар билан шартнома тузилиб, Риштон туман Миллий банк филиалига омонат ҳисоб рақам очилиб, ушбу ҳисоб рақамга бошланғич тўлов учун маблағларини шакллантириб туришлари тушунтирилган.

Бироқ вилоятимизда арзон уй-жойлар қурилиши учун Республикадан қўшимча квоталар берилмаган. Шу сабабли вилоят ҳоқимининг қўшимча қарори қабул қилинмаган ва Риштон туманида қурилиши бошлаб юборилган ушбу уйлар арзон уй-жой эмас намунали уй-жой сифатида қуриб фуқароларга топширилиши режалаштирилди.

2020 йил 1-май кунги давлатимиз раҳбарининг 4701-сонли қарорларига асосан республика ҳудудида қурилиши режалаштирилган намунали уй-жойлар учун ажратиладиган ипотека кредитлари муддати ва фоизлари кўрсатиб ўтилган унга кўра фоизлар қуйидагича белгиланган: Тошкент шаҳри учун 22 фоиз, шаҳарлар учун 20 фоиз, туманлар учун 18 фоиз.

Риштон тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати

2020-06-12 15:53:43